

# Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

## I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

### 1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

### 2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази (кейинчалик – Марказ) фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

### 3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 27 июндаги ПҚ-4760-сон қарорига мувофиқ.

### 4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази тўғрисидаги Низоми ва бошқа Низомлари тасдиқлаш назарда тутилган.

## II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

### 5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – аккредитация қилинган синов лаборатория(марказ)лар, аккредитация қилинган синаш ва сертификатлаш органлар, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари, уларнинг агрегатлари, бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар.

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошқа вазирлик ва идоралар.

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар,

**преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

**6.1. Қарор лойиҳаси** (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида*) **бўйича:**

3-банди учинчи хатбошисида қишлоқ хўжалиги техникаларини халқаро талаблар асосида синаш учун замонавий синов ускуналари ва ўлчов воситалари рўйхатини шакллантириш ва харид қилиш ҳамда монтаж қилишда Туркия Республикаси Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, Германия Қишлоқ хўжалиги жамияти, Чехия қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва озиқ-овқат саноати машиналарини синаш давлат станцияси, Беларус машина синаш станцияси давлат муассасаси, Жанубий Корея саноат технология институти Жеонбук худудий бўлими, Россия Федерациясининг илғор синов марказларидан мутахассисларни жалб қилиш ҳамда Марказни халқаро аккредитациядан ўтказиш мақсадида меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва халқаро аккредитациядан ўтказиш IЛАС-MRA (ўзаро тан олиш бўйича келишув) имзолаган аккредитация органи томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда;

4-бандида Марказга тендерлар ёки танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан халқаро аккредитация талаблари асосида синовларни ташкил қилиш учун замонавий синов ускуналари ва ўлчов воситаларини сотиб олишга, транспорт хизматлари, халқаро аккредитациядан ўтиш харажатлари, лаборатория биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва бошқа хизматлар бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга, истисно тариқасида, рухсат берилиши кўрсатилмоқда;

**6.2. Қарор лойиҳасининг 1-илоvasи** (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш марказининг тузилмаси*) **бўйича:**

Марказнинг тузилмасида вилоятлардаги филиалларини ташкил этилиши белгиланган.

**6.3. Қарор лойиҳасининг 3-илоvasи** (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази тўғрисидаги Низом*) **бўйича:**

12-банди бешинчи, тўққизинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида Марказга тегишинча қуйидаги ҳуқуқлар берилмоқда:

даврий синовлар ўтказиш учун тайёр маҳсулотлардан, республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган ёки импорт қилинаётган маҳсулотлардан қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси намуналарини танлаб олиш;

ишлаб чиқариш ва тижорат ишларини амалга ошириш;

Марказнинг шўъба ва филиалларини очиш.

26-бандида Марказнинг мол-мулкни тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда Марказ директори томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши белгиланмоқда:

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятларининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш.

6.4. **Қарор лойиҳасининг 4-иловаси** (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг ягона давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом) **бўйича**:

Техникани ягона давлат реестрига киритиш учун ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ариза билан Марказга 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни давлат тилида илова қилиб тақдим қилиниши белгиланмоқда.

6.5. **Қарор лойиҳасининг 5-иловаси** (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом) **бўйича**:

2-бандида “қишлоқ хўжалиги техникасини даврий синовдан ўтказиш режаси – келгуси йилда республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини даврий синовдан ўтказиш ишларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзавтосаноат” АЖ таклифлари асосида шаклланадиган режа” тушунчасига таъриф берилган;

3-бандида Республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази томонидан, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

6.6. **Қарор лойиҳасининг 9-иловаси** (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар) **бўйича**:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарори 2-иловаси 8-банддаги “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ” сўзлари “Ўзавтосаноат” АЖ” сўзлари билан алмаштирилиши назарда тутилган.

Мазкур қарори 2-иловаси қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилмоқда:

“12<sup>1</sup>. Қабул ва даврий синовларни қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчилар билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари экин майдонларида ҳамкорлик шартномаси асосида ўтказилади.”;

Ушбу қарори 2-иловасининг 9-банди чиқариб ташланиши кўзда тутилган.

6.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарори 1-иловасининг 4-бандидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент” (кейинги ўринларда Техник регламент деб аталади)” сўзлари чиқариб ташланиши назарда тутилган.

Мазкур қарори 2-иловасининг 6-бандидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент» (кейинги ўринларда Техник регламент деб аталади), шунингдек,” сўзлари чиқариб ташланиши ва “ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тупроқ-иқлим шароитларида синовдан ўтказилган бўлиши лозим” сўзлари билан тўлдирилиши белгиланмоқда.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. **Қарор лойиҳаси** (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида*) **бўйича:**

3-банди учинчи хатбошисида қишлоқ хўжалиги техникаларини халқаро талаблар асосида синаш учун замонавий синов ускуналари ва ўлчов воситалари рўйхатини шакллантириш ва харид қилиш ҳамда монтаж қилишда Туркия Республикаси Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, Германия Қишлоқ хўжалиги жамияти, Чехия қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва озиқ-овқат саноати машиналарини синаш давлат станцияси, Беларус машина синаш станцияси давлат муассасаси, Жанубий Корея саноат технология институти Жеонбук худудий бўлими, Россия Федерациясининг илғор синов марказларидан мутахассисларни жалб қилиш ҳамда Марказни халқаро аккредитациядан ўтказиш мақсадида меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва халқаро аккредитациядан ўтказиш IЛАС-MRA (ўзаро тан олиш бўйича келишув) имзолаган аккредитация органи томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда;

Ўз навбатида, ушбу бандида белгиланаётган тадбирларни амалга оширишда тегишли хорижий давлатлардан мутахассисларни жалб қилинишини ҳамда Марказни халқаро аккредитациядан ўтказиш мақсадида меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва халқаро аккредитациядан ўтказилишини айнан IЛАС-MRA (ўзаро тан олиш бўйича келишув) имзолаган аккредитация

органини аниқ белгилаш рақобатни чекланишига олиб келиши мумкин. Шунга асосан, ушбуларни асослаб бериш зарур.

4-бандида Марказга тендерлар ёки танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан халқаро аккредитация талаблари асосида синовларни ташкил қилиш учун замонавий синов ускуналари ва ўлчов воситаларини сотиб олишга, транспорт хизматлари, халқаро аккредитациядан ўтиш харажатлари, лаборатория биноларини қуриш, реконструкция қилиш ва бошқа хизматлар бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга, истисно тариқасида, рухсат берилиши кўрсатилмоқда.

Ўз навбатида, юқорида қайд этилганлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонунлар талабларига зид равишда баён этилган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонининг 27-бандида вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқланган.

**Шу муносабат билан, қарор лойиҳасининг 4-бандини чиқариб ташлаш лозим.**

**7.2. Қарор лойиҳасининг 1-иловаси** (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш марказининг тузилмаси*) **бўйича:**

Марказнинг тузилмасида вилоятлардаги филиалларини ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июндаги ПҚ-4760-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 11-бандида халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағлари ёки тўғридан-тўғри кредитларини жалб этиш орқали очиқ майдонларда синов ишларини амалга ошириш мақсадида республиканинг 3 та ҳудудида Марказнинг филиалларини ташкил қилиши амалга ошириш механизмида 2020 – 2022 йилларга мўлжалланган ташкилий тадбирлар кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги ПП-1972-сонли қарори билан Марказнинг тузилмаси тасдиқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Марказнинг тузилмасини тасдиқлаш ва вилоятларда филиалларини ташкил этиш масаласини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.**

**7.3. Қарор лойиҳасининг 3-иловаси** (*Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси*

ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази тўғрисидаги Низом) **бўйича:**

12-банди бешинчи, тўққизинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида Марказга тегишинча қуйидаги ҳуқуқлар берилмоқда:

даврий синовлар ўтказиш учун тайёр маҳсулотлардан, республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган ёки импорт қилинаётган маҳсулотлардан кишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси намуналарини танлаб олиш;

ишлаб чиқариш ва тижорат ишларини амалга ошириш;

Марказнинг шўъба ва филиалларини очиш.

**Бешинчи хатбошисидаги “намуналарини” сўзидан кейин “белгиланган тартибда” сўзлари қўшиш зарур.**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 76-моддасига асосан бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади. **Шунга кўра, 12-банди тўққизинчи хатбошисини чиқариб ташлаш лозим.**

Шунингдек, Марказнинг шўъба ва филиалларини очиш масаласини мазкур Кодексининг талаблари асосида белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

26-бандида Марказнинг мол-мулкни тасарруф этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда Марказ директори томонидан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши белгиланмоқда:

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятларининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг **устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиши тақиқланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонининг талабларига асосан, битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда, давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилиланган шахсларининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг таъсис этилишига йўл қўйилмайди.

**Юқоридагиларга кўра, Низом лойиҳасининг 26-банди учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.**

**7.4. Қарор лойиҳасининг 4-илоvasи** (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация

техникаларининг ягона давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом) **бўйича**:

Ягона давлат реестрига киритиш учун техникани ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ариза билан Марказга 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларни давлат тилида илова қилиб тақдим қилиниши белгиланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникани импорт қилувчи чет давлатлардан олиб келадиган маҳсулотларнинг ҳужжатлари аксинча ушбу давлатнинг тилида бўлишини инобатга олиб, ушбу банднинг биринчи хатбошисида **мазкур ҳужжатларни бошқа чет эл тилида ҳам тақдим этиш имкониятини назарда тутиш зарур.**

7.5. **Қарор лойиҳасининг 5-иловаси** (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом) **бўйича**:

2-бандида “қишлоқ хўжалиги техникасини даврий синовдан ўтказиш режаси – келгуси йилда республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини даврий синовдан ўтказиш ишларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзавтосаноат” АЖ таклифлари асосида шаклланадиган режа” тушунчасига таъриф берилган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи жамиятлар нафақат “Ўзавтосаноат” АЖнинг бошқарувида бўлиши мумкинлиги боис, ““Ўзавтосаноат” АЖ” сўзлари “тегишли ишлаб чиқарувчилар” сўзларига алмаштириш лозим.

Шу билан бирга, **9-банди учинчи хатбошисидан ““Ўзавтосаноат” АЖ таклифи асосида” сўзлари чиқариб ташлаш зарур.**

Шунингдек, мазкур Низомнинг 3-бандида Республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази томонидан, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунида “**инспекция назорати**” тушунчасига — маҳсулотни, ишлаб чиқариш жараёнларини, хизматларни, менежмент тизимларини, мувофиқликни баҳолаш органларини уларнинг мувофиқликни баҳолаш даврида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган даврий қайта баҳолаш тартиб-таомили деб таъриф берилган.

Ушбу Қонуннинг 10-моддасига кўра, Инспекция назорати Миллий аккредитация органи, мувофиқлик сертификатини берган

сертификатлаштириш органлари ёки инспекция органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши; айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бир нечта сертификатлаштириш органлари фаолият юритиб келмоқда.

**Ўз навбатида, Республикада сериялаб ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини фақат Марказ томонидан ўтказилиши ушбу соҳасида фаолият юритаётган бошқа сертификатлаштириш органларига нисбатан тенг бўлмаган ҳолатга олиб келади ва натижасида рақобатни чеклаб қўяди.**

Шунингдек, Марказ томонидан қишлоқ хўжалиги техникасини сертификатлаш ва синаш хизматларни кўрсатиш ва ўзига рақобатчи бўлган сертификатлаштириш органларининг ишини даврий синовидан ўтказилиши манфаатлар тўқнашувига (конфликт интересов) олиб келиши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июндаги ПҚ-4760-сон қарорининг 6-бандида “Ўзстандарт” агентлигига икки ой муддатда лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлган хусусий ташкилотларни қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат бериш учун аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш топширилган.

Юқоридагиларга асосан ҳамда ушбу соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектларга тенг шароитлар яратиб бериш мақсадида **мазкур Низоми 3-бандининг тахририни барча сертификатлаштириш органлари томонидан қишлоқ хўжалиги техникасининг даврий синовларини амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутувчига ўзгартириш лозим ҳисобланади.**

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази томонидан, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникасининг янги турларини қўллаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаси ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологиялари синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида **низоми 3-бандини тахририга юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур ҳисобланади.**

**7.6. Қарор лойиҳасининг 9-иловаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар) бўйича:**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарори 2-иловаси 8-банддаги “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ” сўзлари “Ўзавтосаноат” АЖ” сўзлари билан алмаштирилиши назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар нафақат “Ўзавтосаноат” АЖнинг бошқарувида бўлиши мумкинлиги боис, **“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ” сўзлари “тегишли ишлаб чиқарувчилар” сўзларига алмаштириш лозим.**

Мазкур қарори 2-иловаси қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилмоқда:

“12<sup>1</sup>. Қабул ва даврий синовларни қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчилар билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари экин майдонларида ҳамкорлик шартномаси асосида ўтказилади.”;

Мазкур банд билан тўлдирилишининг асоси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги ПП-1972-сон қарорининг 9-банди кўрсатилган.

Бирок, ушбу бандида, Марказга ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда уларнинг розилиги асосида республиканинг турли ҳудудларида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун янги тежамкор технологияларни синовлардан ўтказишга рухсат берилган.

Ушбу тўлдирилиши назарда тутилган банднинг таҳририни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги ПП-1972-сон қарори 9-бандининг таҳририга **мувофиқлаштириш зарур.**

Мазкур қарори 2-иловасининг 9-банди чиқариб ташланиши етарлича асосланмаганлиги боис, **қайта кўриб чиқиш лозим ҳисобланади.**

7.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарори 1-иловасининг 4-бандидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент” (кейинги ўринларда Техник регламент деб аталади)” жумласи чиқариб ташланиши назарда тутилган.

Ушбу жумланинг чиқариб ташланиши етарлича асосланмаганлиги боис, **уни қайта кўриб чиқиш лозим ҳисобланади.**

Мазкур қарори 2-иловасининг 6-бандидан “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент» (кейинги ўринларда Техник регламент деб аталади), шунингдек,” жумласини чиқариб ташланиши ва “ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тупроқ-иқлим шароитларида синовдан ўтказилган бўлиши лозим” сўзлари билан тўлдирилиши белгиланмоқда.

Таққослаш жадвалида ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июндаги ПҚ-4760-сон “Қишлоқ хўжалиги ва

мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандига асосан киритилаётганлиги кўрсатилган.

Бироқ, ушбу бандида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тупроқ-иқлим шароитларида синовдан ўтказилган бўлиши лозим” деган талаб белгиланмаган. Шу боис, мазкур қарори 2-иловасининг 6-бандини **шу талаб билан тўлдириш мақсадга мувофиқ эмас.**

Шу билан бирга, чиқариб ташланиши назарда тутилган жумласи **умуман асослантилмаган.**

#### **IV. ХУЛОСА**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини тақдим этилган таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳамда юқоридаги таклифлар ва эътирозларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш лозим ҳисобланади.